



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

2020 йил — ИЛМ, МАЪРИФАТ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: info@xs.uz

2020 йил 23 июнь, № 131 (7633)

Сешанба

Сайтимидаги ўқиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жорий йил 23-24 июнь кунлари Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг таклифига биноан амалий ташриф билан Москва шаҳрида бўлади.

Ташрифнинг биринчи кунини дастурига мувофиқ, олий даражада икки томонлама музокаралар ўтказиш режалаштирилган. Кўп қиррали Ўзбекистон — Россия ҳамкорлигининг долзарб масалалари кўриб чиқилади.

24 июнь кунини давлатимиз раҳбари фашизм устидан қозонилган Буюк Галабанинг 75 йиллиги муносабати билан ўтказиладиган тантанали тадбирларда иштирок этади.

Ў.А.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚОЗОҒИСТОННИНГ БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 22 июнь кунини Қозоғистон Республикасининг Биринчи Президенти — Элбоши Нурсултон Назарбоев билан телефон орқали мулоқот қилди.

Сўхбат аввалида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Элбоши Нурсултон Назарбоевга тез орада тузалиб кетишни, мустақам соғлиқ ва куч-қувват тилади.

Мулоқотда коронавирус инфекцияси тарқалишининг олдини олиш, шунингдек, Ўзбекистон ва Қозоғистоннинг жadal ривожланаётган икки томонлама муносабатлари ва иқтисодиётига пандемия оқибатларининг салбий таъсирини камайтириш борасида икки мамлакат ҳукуматлари томонидан биргаликда кўрилаётган чора-тадбирлар муҳокама қилинди. Бу борадаги сазй-ҳаракатларни мувофиқлаштиришни янада кучайтириш мумкин экани таъкидланди.

Кўп асрлик дўстлик, яхши кўнчилилик ва стратегик ше-

риклик тамойилларига асосланган Ўзбекистон — Қозоғистон амалий ҳамкорлиги изчил кенгайтириш борасидаги мамнуният билан қайд этилди. Узаро манфаатли алоқаларнинг устувор йўналишларида кўшма лойиҳалар амалга оширилмоқда. Ундан ортик янги лойиҳаларни амалга ошириш назарда тутилган санавот кооперациясини мустақамлаш бўйича "Йўл харитаси" маъқулланди.

Бўлажак учрашув ва тадбирлар режаси юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Мулоқот сўнггида Шавкат Мирзиёев ва Нурсултон Назарбоев Ўзбекистон ва Қозоғистон халқларига тинчлик, фаровонлик ва раванк тиладилар.

Ў.А.

Ўзбекистон ва Канада: ПАРЛАМЕНТЛАРАРО АЛОҚАЛАР КЕНГАЙМОҚДА

Мамлакатимизнинг АҚШдаги элчихонаси вакиллари ҳамда Канада парламенти Жамсалар палатаси аъзолари Роберт Оклиф ва Зияд Абдултоиф ўртасида видеоконференцалоқа форматида учрашув бўлиб ўтди. Мулоқот икки давлат парламенти ўртасидаги ҳамкорлик доирасида ташкил этилди.

Хамкорлик

Учрашувда элчи Жавлон Ваҳобов уртимизда Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида амалга оширилаётган ишловлар ва ўзгаришларнинг бориши ҳақида батафсил маълумот берди. Ҳукуматнинг глобал пандемия пайтида макрокотисодий бар-

қарорлик, иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларининг узлуксиз фаолиятини ҳамда аҳолини самарали ижтимоий қўллаб-қувватлашни таъминлаш борасида олиб бораётган чора-тадбирларига тўхталиб ўтди.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ТУРИЗМ СОҲАСИНИ САНИТАРИЯ-ЭПИДЕМИОЛОГИК ХАВФСИЗЛИКНИНГ КУЧАЙТИРИЛГАН РЕЖИМИ ТАЛАБЛАРИГА ҚАТЪЙ РИОЯ ҚИЛГАН ҲОЛДА РИВОЖЛАНТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Туризм соҳасини жадал сурьатларда тиклаш ва мамлакатдаги санитария-эпидемиологик вазият барқарорлашгандан сўнг уни ривожлантиришнинг янги йўналишларини шакллантириш мақсадида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 майдаги "Коронавирус пандемиясининг салбий таъсирини камайтириш учун туризм соҳасини қўллаб-қувватлашга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-6002-сон Фармонида мувофиқ:

1. Белгилансинки: а) 2021 йил 1 январдан 2023 йил 31 декабрга қадар меҳмонхонага белгиланган тартибда берилган тоифа сақланган тақдирда тегишли йил якунига қўра жойлаштириш воситасининг тоифаси учун ундирилган туристик (меҳмонхона) йиғини суммасининг 50 фоизи жойлаштириш воситаларига қайтарилади;

б) жойлаштириш воситалари томонидан, шу жумладан, халқаро бронлаштириш майдонларида мувофиқлик белгисидан (юлдузлар) ноқонуний фойдаланганлик ҳолати меҳмонхона хизматларини кўрсатиш учун берилган сертификатнинг амал қилишини қоидабузарликнинг белгиланган тартибда бартараф этилгунга қадар тўхтатиб туриш учун асос бўлиб ҳисобланади;

в) 2020 йил 1 августдан бошлаб: рейслар сони ва йўналишлари бўйича чекловларни бекор қилишни, шунингдек, хорижий авиакомпанияларга бешинчи даражадаги "яво эркинлиги"ни тақдим этишни назарда тутувчи "Очик осмон" режими "Андижон", "Бухоро" ва "Урганч" халқаро аэропортларида халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ жорий этилади;

хорижий авиакомпаниялар уларнинг тегишли ҳужжатларини текшириш натижаларига қўра Халқаро фуқаро авиацияси ташкилотининг (ИКАО) учини хавфсизлиги ва авиация

хавфсизлиги бўйича стандартларига мувофиқ бўлиши шarti билан ҳаво қатнови тўғрисидаги ҳукуматлараро битимнинг мавжудлигидан қатъи назар, "Очик осмон" режими жорий этилган халқаро аэропортларга доимий қатновларни амалга ошира олади; мамлакатнинг "Очик осмон" режими жорий этилган халқаро аэропортларига қатновларни амалга ошираётган хорижий авиакомпанияларга тариф ва йиғимлар уч йил давомида Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлган авиакомпаниялар учун белгиланган миқдорда қўлланилади;

инвесторларнинг йўловчи ташувчи янги доир йўлларини ("Чорвоқ" эркин туристик зонаси ҳудудида ташкил этилаётганлардан ташқари) тегишли хавфсизлик даражасини таъминлаган ҳолда қуриш ва жиҳозлаш учун йўналтирилган харажатларининг бир қисми уларни 2023 йил 31 декабрга қадар фойдаланишга топшириш ва узунлиги бир томонга камида 500 метр бўлиш шarti билан ҳар бир 500 метр йўл учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги бюджетдан ташқари Туризм соҳасини қўллаб-қувватлаш жамғармасига (кейинги ўринларда — Бюджетдан ташқари жамғарма) ажратиладиган маблағлар ҳисобидан 1 миллиард сўм миқдорда қўлланилади.

Белгилансинки, бунда йўловчи ташувчи янги доир йўлларини қуриш ва жиҳозлаш бўйича дастлабки 50 та лойиҳага йўналтирилган инвесторлар харажатларининг бир қисми қўлланилади; туристик зоналар ва қишлоқ жойлари ҳудудида тегишли стандартларга асосан Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ва Қурилиш вазирлигининг намунавий лойиҳалари бўйича жойлаштириш воситаларини тез қуриладиган конструкциялар (ўтовлар, контейнерлар, сендвич-панеллар) билан

қуриш учун тадбиркорлик субъектлари харажатларининг бир қисми бундай тилдаги жойлаштириш воситаларининг жойлари сони 50 мингтага етугунга ёки 2023 йил 31 декабрга қадар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар ҳисобидан ҳар бир жой учун 5 миллион сўмга миқдорда қўлланилади;

2020 йил 31 декабрга қадар "Uzbekistan. Safe travel GUARANTEED" ("Ўзбекистон. Хавфсиз саёҳат КАФОЛАТЛАНГАН") тизимининг хавфсиз объектлари реестрига киритилган, туризм ва ёндош инфратузилма объектларининг бино ва иншоотларида санитария-эпидемиология хизмати ташкилотлари томонидан дезинфекция, дезинсекция, дератизация ҳамда юқумли касалликлар пайдо бўлишининг олдини олиш ва даражасини пасайтиришга қаратилган эпидемияга қарши курашиш профилактик тадбирларини амалга оширишга йўналтирилган ҳўжалик субъектларининг харажатлари Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар ҳисобидан қўлланилади;

шаҳарлар ва туманлар бош режаларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш жараёнида улар тузиш инфратузилмасини ривожлантириш қисмида Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси билан мажбурий келишилади; гнд (гид-таржимон), экскурсия етакчиси ва йўриқчи-йўл бошловчиларнинг хизматлари ўзини ўзи банд қиладиган шахслар шуғулланиши мумкин бўлган фаолият (хизматлар, ишлар) турлари рўйхатига киритилади;

г) 2020 йил 1 июлдан 2023 йил 1 июлга қадар нодавлат (хусусий) музейлар, бадий галерейлар ва ҳунармандчилик марказларининг асосий фаолият тури бўйича фойда солиғи, мол-мулк ва ер солиқлари ҳамда айланмадан олинадиган солиқ ставкалари белгиланган

миқдорга нисбатан 50 фоизга камайтирилади. 2. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда туризм соҳаси субъектларининг қуйидаги таклифларига розилик берилсин: туристлар учун "Uzbekistan. Safe travel GUARANTEED" санитария-эпидемиологик хавфсизлик тизимини жорий этиш;

Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлган туроператор томонидан "Uzbekistan. Safe travel GUARANTEED" тизими талабларига риоя қилган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ташкил этилган саёҳат давомида хорижий туристлар коронавирус (COVID-19) инфекциясини юктириб олган тақдирда, уларга 3 миң АҚШ долларини миқдорда компенсация тўловларини тўлаб бериш механизми жорий қилган ҳолда Хавфсиз туризм жамғармасини ташкил этиш.

3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ туроператорлар томонидан хорижий туристларга хизмат кўрсатиш карантин даврида фақат "Uzbekistan. Safe travel GUARANTEED" тизимининг хавфсиз объектлари реестрига киритилган туризм ва ёндош инфратузилма объектларида ташкил қилинади.

Белгилансинки: Хавфсиз туризм жамғармаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Инқирозга қарши курашиш жамғармасининг 20 миллиард сўм миқдордаги дастлабки тўлови, шунингдек, "Uzbekistan. Safe travel GUARANTEED" тизими доирасида хорижий этилаётган иштирий сертификатлаштиришдан ўтиш учун туланадиган базавий ҳисоблаш миқдорининг икки баравари миқдордаги тўлов ҳисобидан шакллантирилади;

хорижий туристларга хизмат кўрсатуви объектларида "Uzbekistan. Safe travel GUARANTEED" тизими мажбурий тартибда жорий этилади;

(Давоми 2-бетда).



Йўллардаги хавфсизлик — тараққиёт омили

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг бешинчи ялғи мажлисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига йўл харакати хавфсизлигини таъминлаш ва соҳага оид қонун ҳужжатларининг ижро этилиши ҳолати юзасидан парламент сўрови юбориш тўғрисидаги масала ҳам кўрилди. Мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий тараққиёти учун энг мумим ҳисобланган масалалар орасида бу мавзунинг ҳам кўтарилиши бежиз эмас, албатта.

Мушоҳада

Шу ўринда айтиш жоизки, ҳар йили дунё бўйича содир бўлаётган йўл-транспорт ҳодисаларида 1,2 миллиондан ортик инсонлар ҳалок бўлади, яна 50 миллионни турли даражада тан жароҳати олади. Бундай фожиаларнинг ижтимоий ва иқтисодий оқибатлари ҳам жуда катта. Жумладан, ҳақон бўйича ИТХ йилига 70 миллиард доллар атрофида молиявий талафот келтиради.

Айни пайтда аҳоли билан мулоқотлар, жойлардаги ўрганишлар ҳамда тармоққа оид қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқни қўллаш амалиётининг таҳлили соҳада ҳамон бир қатор тизимли муаммо ҳамда камчиликлар мавжудлигини кўрсатди. Сенатнинг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси томонидан ўтказилган ўрганиш давомида автомобиль йўлларида йўловчилар хавфсизлигини таъминлаш юзасидан таъсирчан назорат тўлиқ ва самарали ўрнатилмаганлиги аниқланди. Хусусан, 2019 йилда республика бўйича жами 6 миллиондан ортик йўл харакати қоидабузарликлари қайд этилган. Оқибатда

2017 йил 11 июлдаги "Йўл харакати хавфсизлигини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорнинг қабул қилиниши соҳадаги ислохотларни янги босқичга кўтарди.

Айни пайтда аҳоли билан мулоқотлар, жойлардаги ўрганишлар ҳамда тармоққа оид қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқни қўллаш амалиётининг таҳлили соҳада ҳамон бир қатор тизимли муаммо ҳамда камчиликлар мавжудлигини кўрсатди. Сенатнинг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси томонидан ўтказилган ўрганиш давомида автомобиль йўлларида йўловчилар хавфсизлигини таъминлаш юзасидан таъсирчан назорат тўлиқ ва самарали ўрнатилмаганлиги аниқланди. Хусусан, 2019 йилда республика бўйича жами 6 миллиондан ортик йўл харакати қоидабузарликлари қайд этилган. Оқибатда



Олий Мажлис Қонунчилик палатаси

АҲОЛИНИНГ БЎШ ПУЛ МАБЛАҒЛАРИНИ РЕАЛ ИҚТИСОДИЁТГА ЖАЛБ ҚИЛИШ ҚАНДАЙ НАТИЖА БЕРАДИ?

Инвестиция иқтисодиётни харакатта келтирувчи драйвер. Сармоядор ўз маблағини бирон-бир соҳага йўналтириш орқали даромадга эга бўлади. Шундай экан, аҳоли бўш пул маблағларининг реал иқтисодиётга жалб этилиши ҳам соҳалар ривожини, ҳам фуқаролар даромадларини таъминлашнинг мақбул йўлидир.

Парламент қуйи палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси томонидан аҳолининг бўш пул маблағларини реал иқтисодиётга жалб этиш юзасидан тайёрлаган таклифлари сиёсий партиялар фракциялари вакиллари иштирокида муҳокама қилинди.

Видеомулоқот шаклида ташкил этилган семинарда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутлатлари, Марказий банк, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш

вазирлиги мутахассислари, қўмита қошида тузилган экспертлар гуруҳи аъзолари иштирок этишди.

Муҳокама чоғида иқтисодиётнинг реал секторини ривожлантириш, молия ва банк тизимига бўлган ишончн ошириш ҳамда капитал бозорини ривожлантириш мақсадида аҳолининг бўш пул маблағларини иқтисодиётга жалб этиш масаласи депутатлар эътибор марказида бўлди.



СУВДАГИ ХАЗИНА

«Яратган эгам инъом этган неъматлар кўп — қуёшли кунлар, табиий сув ҳавзалари, мўътадил иқлим, барча қулайлик мавжуд бўлган, давлатимиз томонидан тадбиркорлар ҳар ҳафтадан қўллаб-қувватлаб турилган бир пайтда, бундай кенг имкониятлардан нима учун фойдаланмаслик керак?!»

"Хар кунини тонгги соат 4:00 да уйқудан уйғонаман ва ўзимга-ўзим савол бераман: кеча ишим қандай бўлди, сермазмун ўтдимми, режалаштирган барча юмушни баҳара олдимми? Амалга оширилмаган бўлсам, нима учун бундай бўлди, деган саволларимга жавоб қидираман. Аслида ҳар бир инсон мана шундай мушоҳада юритиб туриши керак, ўшанда иши олдинга силжиши шубҳасиз".

Бир қарашда буни кунга тўла, шижоатли ёш бир ишбилармоннинг фикри, деб ўйлашингиз турган гап. Аммо фаолияти ҳақида қуйида сўз юритмоқчи бўлганимиз — Тошкент вилоятилик фермер Маматқул ота Саломов 83 ёшга кирган бўлса-да, ҳали-ҳамон ёшлардек шижоати банд, руҳи тетик, вужуди ғайратли, ишнинг кўзини билладиган тадбиркорлардан,

фойда келтиряпти, балки истеймол бозорига парhez гўш этказиб бериш билан бирга, кўпчиликни иш билан таъминламоқда.

Нега айнан балиқчилик? Сабаби оддий: биринчидан, балиқ гўшти инсон саломатлиги учун қони фойда. Иккинчидан, яқингача балиқчилик нутр бўлаётган тармоқлардан бирига айланган ва буни қайта тиклаш зарурати пайдо бўлган эди. Шу боис кейинги уч йилда давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан қўллаб-қувватлашнинг натижалари ҳам ишчилар билан шуғулланаман, деган инсонлар учун барча эшик очик. Балиқчилик қорхоналарини зарур техника воситалари ҳамда озуқа билан таъминлаш чо-

Балиқчилик

соҳалар қатори, балиқчилик ҳам изчил ривожлантириляпти. Бугун ушбу йўналиш билан шуғулланаман, деган инсонлар учун барча эшик очик. Балиқчилик қорхоналарини зарур техника воситалари ҳамда озуқа билан таъминлаш чо-

ралари кўрилаётгани, қўл ва сув ҳавзаларининг тадбиркорларга узоқ муддатга ижарага берилиши, имтиёзли шартлар асосида лизинг ва кредитлар ажратилиши туфайли балиқчилик ҳўжаликлари кўпайиб, шиғоббахш маҳсулот етиштириш ҳажми ошмоқда.

Хуллас, соҳа ривожини қўллаб-қувватлашнинг Президент қарорларида шу қадар кўп имтиёз ва имкониятлар берилмоқдаки, пировардда Маматқул отадек халққа фойдаси тегадиган, балиқчиликни янги босқичга кўтарадиган фермерлар ишбилармонлар кашф этиляпти. Кўпчиликда балиқчиликка қизиқиш ва иштиёқ уйғонмоқда, десак, адашмаймиз.



БАНДЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДАГИ МУАММОЛАР ҚАЧОН ЕЧИМИНИ ТОПАДИ?

Қуйи палатаниннг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси билан давлат муносабатлари вазирлигининг 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларнинг ижроси ҳақидаги ахбороти эшитилди.

Видеоконференция тарзида ўтказилган йиғилишда таъкидланганидек, аҳоли бандлиги, хусусан, эркаклар ва хотин-қизларни муносиб иш билан таъминлаш асосида барқарор ҳамда умумқамровли иқтисодий ўсишга кўмаклашиш — Барқарор ривожланиш мақсадларининг саккизинчи мақсади ҳисобланади.

Вазирлик томонидан айнан ушбу йўналишда қилинган ишлар, жумладан, меҳнат бозорига зарур чора-тадбирларни амалга ошириш, хусусий мулкни муҳофаза қилиш, кичик ва йирик бизнесни ҳамда хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, тўсиқларни бартараф этиш каби йўналишларда амалга оширилган

ишларга алоҳида аҳамият берилди.

Тахлилларга кўра, ўтган йилда Ўзбекистоннинг иш билан банд бўлган аҳолисининг ўртача йиллик сони 13,5 миллион кишини ташкил этиб, иш билан таъминланганлар сони ҳар йили ўртача 300 миң кишига кўпайган, меҳнат ресурсларидан фойдаланиш даражаси 71,2 фоизни ташкил қилган. Шунингдек, иш ўринларининг турдан уч қисми юридик шахсни ташкил этмасдан фаолиятни амалга оширувчи, рўйхатдан ўтган кичик бизнес, хусусий ва яқка тартибдаги тадбиркорлик ҳисобига яратилган.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ТУРИЗМ СОҲАСИНИ САНИТАРИЯ-ЭПИДЕМИОЛОГИК ХАВФСИЗЛИКНИНГ КУЧАЙТИРИЛГАН РЕЖИМИ ТАЛАБЛАРИГА ҚАТЪИЙ РИОЯ ҚИЛГАН ҲОЛДА РИВОЖЛАНТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланғичи 1-бетада).

хорижий туристларга хизмат кўрсатишда “Uzbekistan. Safe travel GUARANTEED” тизимида белгиланган шарт ва талабларнинг бузилишида айбдор бўлган ташкилотларнинг мансабдор шахслари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ой мuddатда 2021 йил 1 январидан бошлаб хорижий фуқаролар учун виза режимини янада либераллаштириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг жадал иқтисодий-иқтисодий ривожланиши учун зарур бўлган салмоқли капитал, юқори академик билимлар ёки ўзига хос кўникмаларга эга шахсларни Ўзбекистон Республикасида доимий истиқомат қилишга жалб этишни назарда тутувчи “Uzbekistan — my second home” (“Ўзбекистон — менинг иккинчи уйим”) иммиграция дастурини жорий этиш бўйича тақлифлар киритсин.

5. Белгилансинки: а) Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси Ўзбекистон Республикасининг “Махсус иқтисодий зоналар тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ тузиладиган туристик-рекреация зоналарини (кейинги ўринларда — туристик зоналар) ривожлантириш ҳамда уларнинг фаолиятини ташкил қилиш соҳасидаги ваколатли давлат органи ҳисобланади ва қуйидаги қўшимча вазифаларни амалга оширади:

туристик зоналарнинг самарали бошқарувини ташкил қилиш; туристик зоналар ҳудудида туризм инфратузилмаси объектларини барпо этиш ва уларнинг самарали фаолият юритиши учун зарур инвестициявий шарт-шароитларни яратиш; туристларнинг мақсадли тоифалари орасида туристик зоналарнинг салоҳиятини тарғиб қилиш бўйича маркетинг ишларини олиб бориш;

б) Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирлиги туристик зоналар маъмурий кенгашига раҳбарлик қилди;

в) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган рўйхатга мувофиқ туризм соҳасидаги давлат активларини сотишдан тушган маблағларнинг Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетига тақсимланган қисми Бюджетдан ташқари жамғармага туризм инфратузилмасини ташкил этиш ва ривожлантириш, мамлакатнинг туризм салоҳиятини тарғиб қилиш учун йўналтирилади;

г) туристик зоналар ҳудудида жойлашган ва давлатга тегишли бўлган мулкий комплекслар ҳамда ер участкаларини сотишдан тушадиган маблағлар қуйидаги тартибда тақсимланади:

75 фоизи — тегишли туристик зоналар дирекциялари ҳисобига;

25 фоизи — Бюджетдан ташқари жамғарма ҳисобига;

д) туризм соҳасидаги “старт” лойиҳалар ва инновацион бизнес соҳалари инкубация ёки акселерация дастурларига қабул қилиш учун номзодларни танлаш бўйича Маслаҳат кенгаши тарихийга Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси вақиллари киритилди.

6. “Чорвоқ” эркин туристик зонаси маъмурий кенгаши тарихиби 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта мuddатда **коронавирус пандемияси ва глобал иқкнрозли ҳолатларнинг мамлакат туризм соҳасига салбий таъсирини камайтириш бўйича чора-тадбирлар режасини** тасдиқласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

2020 йилда коронавирс пандемияси ва глобал иқкнрозли ҳолатларнинг мамлакат туризм соҳасига салбий таъсирини камайтириш ҳамда мамлакатнинг туризм салоҳиятини тарғиб қилиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш учун Молия вазирлиги хузуридаги Инкнрозга қарши курашиш жамғармасидан Бюджетдан ташқари жамғармага камидда 10 миллиард сўм маблаг ажратсин;

2020 йил 1 июлгача “Ипак йўли” туризм халқаро университетининг профессор-ўқитувчилар, бошқарув, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатувчи ва техник ходимларини моддий рағбатлантириш мақсадида 2020 йилнинг иккинчи ярим йиллиги учун университетнинг ярим йиллик иш ҳақи фонди микдоридаги маблағларни Бюджетдан ташқари жамғармага ўтказиб берсин;

2021 йилдан бошлаб ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетга параметрларида Бюджетдан ташқари жамғармага мамлакатнинг туризм салоҳиятини тарғиб қилишни молиялаштириш учун Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг асосланилган талабномасига мувофиқ маблаг ажратилишини таъминласин;

2020 йил 1 октябргача Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси билан биргаликда туризм соҳаси субъектлари хизматлари таннархини пасайтириш мақсадида уларга қўшимча солиқ имтиёзлари ва преференциялар бериш, шунингдек, субсидиялар ажратиш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига тақлиф киритсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасига қуйидаги қўшимча вазифалар юклатилсин:

муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлардан ташқари туризм инфратузилмаси объектларини жойлаштириш учун ажратилган салоҳиятга ўрмон фонди ҳудудларини режалаштириш ва лойиҳалаштириш;

сўв омборлари ва ўрмон ҳўжалликларида туризм турларини ривожлантириш бўйича қабул қилинган Ҳукумат қарорларининг ижросини мониторинг қилиш;

республика кинолокацияларини, шу жумладан, жамоат ташкилотлари ва тадбиркорлик субъектларини жалб қилган ҳолда хорижда тарғиб қилиш.

9. Вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари тузилмасида қуйидаги лавозимлар жорий этилсин:

Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг тегишли ҳудудий бўлинмаларидаги биттадан штат бирлигини қисқартириш ҳисобига Андижон, Жиззаза, Қашқадарё, Наманган, Навоий, Сирдарё, Сурхондарё, Фарғона вилоятлари ва Тошкент шаҳар ҳокимининг туризм ва спортни ривожлантириш масалалари бўйича маслаҳатчиси лавозими;

Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Хоразм вилоятларида ҳокимнинг туризмни ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари лавозими ўрнига тегишлича туризм ва спортни ривожлантириш масалалари бўйича ҳоким ўринбосари лавозими;

Белгилансинки, мазкур банднинг иккинчи ва учинчи хатбосидагида кўрсатилган лавозимларга номзодлар Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирлиги ўринбосари — Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси тақдиримасига асосан белгиланган тартибда тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳудудий бўлинмасининг битта штат бирлигини қисқартириш ҳисобига Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг туризм ва спортни ривожлантириш масалалари бўйича маслаҳатчиси лавозимини жорий этиш тасвია этилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Транспорт вазирлиги, Маданият вазирлиги, “Uzbekistan Airports” АЖ ва “Uzbekistan Airways” АЖнинг “Андижон” халқаро аэропортига “Заҳриддин Муҳаммад Бобур” номини бериш тўғрисидаги тақлифга розилик берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси Транспорт вазирлиги ва “Uzbekistan Airports” АЖ билан биргаликда икки ой мuddатда мамлакатнинг ҳудудий халқаро аэропортларига энг яхши номларни аниқлаш бўйича оммавий танловни эълон қилсин ва унинг натижалари бўйича Вазирлар Маҳкамасига тақлиф киритсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлган авиакомпанияларнинг мурожаатларига кўра уларга парвозлар хавфсизлигини таъминлаш бўйича чораларга риоя қилган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг ҳаво қатнови тўғрисидаги ҳужжатларга келишувларига мувофиқ тайинланган (шу жумладан, қўшимча тарзда тайинланган) авиакомпания макомини белгиланган тартибда берсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат хавфсизлик хизматининг Чегара қўшинлари, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 1 январдан бошлаб қуйидагиларни назарда тутувчи ягона тизимни яратиш ва жорий этиш тўғрисидаги тақлифига розилик берилсин:

Давлат солиқ қўмитасининг маълумотлар базасини туристик йўғим ҳисобини юритишнинг ягона тизими (кейинги ўринларда — Ягона тизим) билан интеграциялаш;

Давлат солиқ қўмитаси томонидан, шу жумладан, бронлаштириш тизимининг дастурий махсулотларини таҳлил қилиш орқали жойлаштириш воситаларининг бандлигини ўрганиш ва туристик йўғимларнинг тўлиқ тушуми устидан камерал назоратни амалга ошириш;

туристик йўғим тўловини қабул қилиш учун Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан мувофиқлаштирилган ахборот марказларида Ягона тизимнинг фаолият юритиши;

Ягона тизимни маҳаллий мобил тўлов дастурлари ва халқаро тўлов тизимлари билан интеграциялаш;

Давлат хавфсизлик хизматининг Чегара қўшинлари маълумотлари базасини маълумотларни узатиш режимида Ягона тизим билан интеграциялаш;

Ягона тизимдан фойдаланган ҳолда, туристик йўғим тўловининг тўланганлигини текшириш орқали хорижий фуқаролар ва фуқароларга бўлмаган шахсларнинг мамлакат ҳудудида бўлиши ҳамда ундан ўз вақтида чиқиб кетишини назорат қилиш механизмини йўлга қўйиш;

стацонар даволаш хизматларини кўрсатувчи даволаш муассасаларини Ягона тизимга улаш бўйича қўшимча лицензия талабларини белгилаш.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Давлат персоналлаштириш маркази Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ва Давлат хавфсизлик хизмати билан биргаликда икки ой мuddатда Ягона тизимни яратишнинг техник топшириғини ишлаб чиқсин.

Белгилансинки, Ягона тизим лойиҳаси давлат органларининг ахборот тизимларига хизмат кўрсатувчи компанияларни жалб қилган ҳолда, Бюджетдан ташқари жамғарма маблағлари ҳисобидан ишлаб чиқилди.

13. Бухоро, Навоий ва Сурхондарё вилоятларида рўйхатга олинган туроператорларга, истисно тариқасида, ушбу ҳудудларда хизмат кўрсатиш учун двигател ҳажми 2,4 литрдан кам бўлмаган юқори ўтиш қобилиятига эга транспорт воситаларини импорт қилинаётганда божхона божини амалдаги ставканинг 50 фоизи микдорида, қолган қисмини олиб қирилган санадан бошлаб 3 йил давомида тўлашга рўхсат этилсин.

Белгилансинки, бунда ушбу транспорт воситаларига давлатнинг

рўйхатга олиш рақам белгиларининг алоҳида сериялари берилди ва улардан тегишинча фақат Бухоро, Навоий ва Сурхондарё вилоятлари ҳудудида фойдаланишга рўхсат этилади.

14. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Транспорт вазирлиги, Энергетика вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Уй-ўй ва коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги уч ой мuddатда қуйидагиларни ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин:

а) Жиззаза вилояти ҳокимлиги билан биргаликда **Айдар-Арносой кўллар тизими ҳудудида туристик зонани яратиш ва ривожлантириш бўйича** қуйидагиларни назарда тутувчи **чора-тадбирлар режасини**:

янги “Ором қиргоғи” (“Leisure Coast”) туристик зонасида сувда дам олиш турлари ва пляж туризмни ривожлантириш; Айдар-Арносой кўллар тизимига йўловчиларни ташвиш учун темир йўловларни ётқириш қийматининг дастлабки ҳисоб-китобларини қилиш ва муҳандислик-коммуникация тармоқларини ривожлантириш, доимий автобус қатновларини йўлга қўйиш; тадбиркорлик субъектларини жалб қилган ҳолда туризм ва унга ёндош инфратузилмани ривожлантириш;

б) Навоий ва Бухоро вилоятлари ҳокимликлари билан биргаликда **Тўдакўл кўли ҳудудида туристик зонани ташкил этиш ва ривожлантириш бўйича** сувда дам олиш турлари ва пляж туризмни ривожлантириш, темир йўл станцияларини қуриш мақсадида мувофиқлигини ўрганиш, муҳандислик-коммуникация тармоқларини ривожлантириш, кўлга йўловчиларни ташвиш учун доимий автобус қатновларини йўлга қўйиш, тадбиркорлик субъектларини жалб қилган ҳолда туризм ва унга ёндош инфратузилмани ривожлантиришни назарда тутувчи **чора-тадбирлар режасини**;

в) Жиззаза вилояти ҳокимлиги билан биргаликда маҳаллий ва хорижий инвесторларни жалб қилган ҳолда **Зомин туманида умумимамсувий, қишки ва ёғи дам олиш масканларини ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар режасини**.

15. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Маданият вазирлиги, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Молия вазирлигининг қуйидаги лойиҳаларни амалга ошириш тўғрисидаги тақлифларига розилик берилсин:

фуқароларнинг фаол дам олишини ташкил этиш (шаҳарда юриш, терренкур, трекнинг ва хайкин), касалланган даражасини, шу жумладан, юрак хасталиқларини камайтиришни назарда тутувчи **“Пиеда туристик маршрут”**;

хорижий мамлакатлар фуқароларига кўрсатиладиган табиий хизматларни тизимлаштириш ва турларини кенгайтиришни назарда тутувчи **“Uzbekistan — hope and healing land”** (“Ўзбекистон — умидли ва шифобахш замин”) табиий туризм дастурини ривожлантириш;

республиканинг маданий мерос объектлари ҳудудларида белгиланмаган жойларда қиқинди ташлаганлик учун жарималарини ошириш, электр таъминотига “яшил” технологияларни жорий қилиш, қиқиндини утилизация қилиш, сув ресурсларидан умумий фойдаланишни назарда тутувчи **“Clean&Eco”**.

16. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси Давлат хавфсизлик хизматининг Чегара қўшинлари билан биргаликда 2021 йил 1 январдан бошлаб “Фиштқўрғи” (Тошкент вилояти) ва “Ҳайратон” (Сурхондарё вилояти) халқаро назорат-ўтказиш пунктларида мажбур инфратузилма доирасида чегарадан тежорат ўтиш механизмлари — “Fast track” хизматини қуйидагиларнинг ташкил этилишини назарда тутган ҳолда жорий қилсин:

автотранспорт воситаларида Ўзбекистон Республикаси Давлат чегарасини кесиб ўтаётган жисмоний шахсларнинг навбатдан ташқари паспорт ва божхона назорати жараёнларини тезлаштирган тартибда амалга ошириш учун алоҳида йўлак;

жисмоний шахсларнинг дам олиши ва хордиқ чиқариши учун шарт-шароитлар, шу жумладан, оналар ва болалар хоналари, овқатланиш шохобчалари ҳамда тижорат банклари филиалларини ташкил қилиш ва валюта айирбошлаш учун банккоматлар ўрнатган ҳолда “VIP” заллар.

Бунда қуйидагилар назарда тутилсин: а) “VIP” залларини қуриш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Моддий ёрдам, иқтисодий химоя, божхона органларини ривожлантириш ва кўзда тутилган харажатлар махсус жамғармаси ҳисобидан қоланди;

б) “Fast track” хизмати пуллик асосда, шу жумладан, чегарани кесиб ўтишдан олдин 90 кун мобайнида олдиндан тўлов қилиш ёки мобил иловалар орқали тўлаш имкониятини яратган ҳолда амалга оширилади;

в) хизматлар кўрсатишдан тушган маблағлар қуйидаги тартибда тақсимланади:

80 фоизи — Давлат божхона қўмитасининг Моддий ёрдам, иқтисодий химоя, божхона органларини ривожлантириш ва кўзда тутилган харажатлар махсус жамғармаси ҳисобига;

20 фоизи — Давлат хавфсизлик хизматининг Чегара қўшинлари ҳисобига.

Ўзбекистон Республикасининг бошқа халқаро назорат-ўтказиш пунктларида “Fast track” хизматини жорий қилиш, уларнинг ўтказиш оқимини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган график асосида амалга оширилади.

17. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг мамлакатдаги туристик зоналарга автотранспорт воситалари (жамоат ва махсус транспортлар, шунингдек, туристик зоналар ҳудудида яшовчи аҳолининг автотранспорт воситаларидан ташқари) билан кириш учун йўғим ундириш механизмининг жорий қилиш бўйича тақлифларига розилик берилсин.

18. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

а) икки ҳафта мuddатда қуйидагиларни назарда тутувчи тартибни тасдиқласин:

хорижий ошхона ёки алоҳида йўналиш бўйича ихтисослашган тематик овқатланиш шохобчаларини, овқат ва озиқ-овқат махсулотларини етказиб бериш, шунингдек, сувенир махсулотларини етказиб бериш бўйича хизматларни ташкил этиш юзасидан лойиҳа ташаббускорларига грантлар ажратиш; янги туризм махсулотлари ва йўналишларини ишлаб чиқиш ва тарғиб қилиш учун гид ва туроператорларга грантлар ажратиш; туризм соҳаси субъектларининг фоииз харажатларини субсидиялаш;

жойлаштириш бўйича хизматлар (меҳмонхона хизматлари) нархининг 10 фоизи микдорида жойлаштириш воситаларини субсидиялаш;

туроператорлар ва турагентларга Ўзбекистон Республикасига олиб келинган ва хизмат кўрсатилган ҳар бир хорижий турист учун рағбатлантирувчи субсидиялар ажратиш;

ҳаво ва темир йўл чипталари учун туроператорларнинг харажатларини қисман субсидиялаш;

меҳмонхоналарнинг тоифа олиш ва уни кўтариш учун реновация, реконструкция ҳамда моддий-техник базани мустаҳкамлаш бўйича харажатларини қоплаш;

туризм мақсадида йўловчи ташувчи янги дор йўлларини қуриш ва жиҳозлаш учун инвесторлар харажатларини қоплашга маблаг ажратиш;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида саёҳат давомида хорижий туристлар коронавирс (COVID-19) инфекциясини юктириб олган тақдирда, уларга компенсация тўловларини тўлаб бериш; “Uzbekistan. Safe travel GUARANTEED” тизими доирасида ихтиёрий сертификатлаш, шунингдек, сертификатлаш учун тўловларни амалга ошириш;

“Uzbekistan. Safe travel GUARANTEED” тизимининг хавфсиз объектлари реестрини юритиш;

б) бир ой мuddатда туризм ҳудудларига транспорт воситалари билан кириш учун йўғим ундириш тартиби тўғрисидаги низомни йўғимни ундиришни аник механизмлари ва микдорларини, шунингдек, йўғимни тегишли туристик зона Дирекциясига йўналтиришни назарда тутган ҳолда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

в) икки ой мuddатда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига қуйидаги тақлифларни киритсин:

ов қилиш ҳуқуқига доир рўхсатнома берганилик учун давлат божи микдорини ошириш;

ов қуролни ва спортга мўлжалланган ўқотар қуролни ҳамда унинг ўқ-дўрларини, шунингдек, тигли қуролни (пичоқларнинг миллий турларидан ташқари) ишлаб чиқариш, таъмирлаш ва реализация қилиш учун тўланадиган йўғим микдорини ошириш.

19. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси:

коронавирс пандемиясининг туризм соҳасига салбий таъсирини камайтириш бўйича қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижро этилишини инобатга олган ҳолда ва хавфсиз туризмни ташкил қилишга алоҳида эътибор қаратиб, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг марказий аппарати ва ҳудудий бўлинмалари тузилмасига умумий белгиланган штатлар сони доирасида ўзгартиришлар киритсин;

келажакда инкнроз ҳолатларини прогноз қилиш ва юзага келиши мумкин бўлган вазиятнинг ривожланиш сценарийларини ишлаб чиқиш учун, шунингдек, уларнинг мамлакат туризм соҳасига салбий таъсирини камайтириш бўйича олдинчи олиш чораларини амалга ошириш мақсадида ҳар ойда юзага келган пандемия билан боғлиқ вазиятни комплекс таҳлил қилсин;

манфатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой мuddатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига 2-иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилсин.

21. Вазирлик ва идоралар икки ой мuddатда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштириш.

22. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирлиги А. Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига раҳбари 3. Ш. Низомиддинов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2020 йил 19 июнь

Ўзбекистон ва Канада: ПАРЛАМЕНТЛАРАО АЛОҚАЛАР КЕНГАЙМОҚДА

1 Айни чоғда Олий Мажлиснинг Ўзбекистон тараққиёт стратегиясини яқин ва ўрта истиқболларда қонуний таъминлаш бўйича фаолиятига канадалик қонун чиқарувчиларнинг эътибори қаратилди.

Сўхбат давомида Канада парламенти аъзолари юртимизда коронавирсга қарши кураш борасида эришилган муваффақиятлар, шунингдек, ҳукуматнинг глобал инкнрозининг иқтисодий-иқтисодий қўмандирини камайтириш бўйича саъй-ҳаракатларини юқори баҳолади. Хусусан, ҳам депутат, ҳам бир вақтинч ўзида Канада ташқи ишлар вазирининг парламенти қотиби ҳисобланган Р. Олифант ўз мамлакати Ўзбекистонга пандемия оқибатларини енгиш, хусусан, аҳолининг кўмакка муҳтож қатламларига кўмак беришни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга содиқ эканлигини тасдиқлади.

Парламент аъзолари томонидан икки давлат ташқи ишлар вазирликлари раҳбарлари ўртасида яқинда бўлиб ўтган телефон орқали мулоқот натижаларига эътибор этилди. Унда Канада ташқи ишлар вазирлиги Франсуа-Филипп Шампан Канада ҳукумати томонидан коронавирсга қарши курашиш учун Ўзбекистонга 250 миң доллар ажратилишини маънун қилганди.

Р. Олифант Канада томони шу йил кузда ташқи ишлар вазирлиги Абудулазиз Қомиллов раҳбарлигидаги Ўзбекистон де-

легациясини Оттавада кутиб олишга ва ташрифи самарали амалга оширилишига тайёр эканлигини яна бир бор тасдиқлади. Канада парламенти аъзоси, Жамоалар палатасидаги “Канада — Ўзбекистон” дўстлик гуруҳи раиси Зиед Абултоиф Ўзбекистонга ўтган йили парламент сайловларига халқаро кузатувчи сифатида ташриф буюрганини илиқ таассуротлар билан эслади. Бу унга Ўзбекистонда рўёбга чиқарилаётган улкан ислохотлар, шунингдек, мамлакат сайлов тизимидаги ижобий ўзгаришларга бевосита гувоҳ бўлиш имкониятини яратгани билан қадрлидр. У парламентларо ҳамкорликнинг истиқболли йў



Балиқ — етти хазинанинг бири. Маълумотларга кўра, республикаимизда элликдан ортиқ, шундан Тошкент вилоятида унга катта қўл мавжуд бўлиб, “Тошкент денгизи” — ана шулардан бири. Ундаги 250 миллион кубометр сув тоғу тошларга урилиб, оқиб келгани боис тўйинган, табиий минералларга бой ҳисобланади. Ушбу кўлнинг суви нафақат балиқлар семиртишга, балки касалликка чалинмаслигига ҳам ижобий таъсир кўрсатар экан.

Шуларни инобатга олган фермер “Тошкент денгизи” соҳилларида балиқчилик фаолиятини йўлга қўйиш мақсадида пухта ва истиқболли режа ишлаб чиқариб ҳамда тижорат банки томонидан дастлаб 3-4 миллиард атрофида кредит олиб, катта сув майдонига эга ҳўжаликда балиқ боқиш учун зарур шароитлар яратиб берилди.

— Балиқчиликка оид китобларни, тавсияларни кўп ўқидим, — дейди фермер. — Бошланишга ўнга 5х5 метрлик қафас (садок) қуриб, 2018 йили 50 тонна сазан балиғи етиштирдик. Ҳисоб-китоб қилиб қарасам, даромад ёмон эмас. Одамлар ҳам иш билан таъминланяпти. Сўнгра тармоқни янада кенгайтириш учун ўтган йили яна 5 миллиард сўм кредит олиб, қўшимча 25 та қафас қурдик ва ўтган йили 150 тонна балиқ етиштириб, аҳоли дастурхонига етказиб бердик. Жорий йилда олинган 8 миллиард сўм кредит эвазига жами қафас қурилмалар сонини 88 тага етказдик. Бу 18 минг куб метр сувда балиқ боқиш ва натижада 500 тонна балиқ етиштириш имконини беради. Мўлжалимиз ҳам шундай. Олинган кредитларнинг 10 миллиард сўминини қайтаришга ҳам улгурдик. Бунинг учун кечаю кундуз изланишда, ҳаракатда бўлиш, асосийси, ишни тўғри ташкил қилиш керак, деб ўйлайман.

Кўп тармоқли фермер дея ном қозонган Маматқул ота чиндан ҳам балиқ етиштириш сир-асрорларини пухта ўзлаштирган. Шундай бўлса-да, ҳозирги кунга қадар изланишдан, янгилик яратилган бир зум тўхтамайди, чарчамайди...

Ўзига хос ҳаётини лаборатория

Маматқул Саломовнинг айтишича, интенсив усулда балиқ етиштириш, бу — замон талаби. Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, 100 граммли чавоқ интенсив усулда болкича, 2,5-3 килограммгача ўсди беради.

Садокларни қуришда ҳам айрим жиҳатларга эътибор қаратиш зарур. Яъни қафас тўрларнинг узунлиги 5 метр бўладиган бўлса, унинг ярим метри юқорида чиқиб туради, энг кўпи томонидан яна икки метрча жой қолиши керак. Чунки балиқ еган овқатининг бир қисми ахлат бўлиб чиқади, у заҳарли. Шу боис сув ҳидланмаслиги учун ахлат қуйишга тушган у оқиб кетиши учун шароит ҳам яратиш зарур.

— Ҳам ширин, ҳам семиз балиқлар етиштириш учун нималарга эътибор бериш талаб этилади? Энг аввало, балиққа сув, кислород, касалликка қарши курашиш, овқатни ўз вақтида бериш талаб қилиниши ёдда тутиш шарт, — дейди фермер. — Яна бир қизик тажриба, балиқлар еган овқатини 3 соатда ҳам сув ва ҳаводек зарур. Айтайлик, кундузи шундоғам ёруғ, аммо кечаси-чи? Бунинг учун махсус нимстанция қуриб, электр энергияси тортиб бордик. Ҳар бир қафас қурилмасининг устига ёриткичи чирколар ўрнатдик.

Фермернинг айтишича, балиқлар чалиниши мумкин бўлган ўнга яқин касаллик

турлари бор экан. Улар касал бўлмаслиги учун 6-7 хил витамин, озуқа ҳам бўлишини таъминлайдиган микроэлементлар ҳам зарур.

Ҳисоб-китобларга кўра, аввалига балиқнинг 1 кило вазн тўлаши учун 7 килограмм озуқа сарфланган бўлса, олиб берилган изланишлар натижасида бу кўрсаткич кейинчалик 5 килога, ўтган йили 3 килога туширилди. Буни яна қайтариш имкони мавжуд. Яъни озуқа таркиби бойитилган сари балиқнинг вазни ортиб, ҳароҳат эса қамаяди, ҳосилдорлик ортиб бораверади.

Хуллас, бу борада ҳам Маматқул ақининг ўз лабораторияси, ўз ҳаётини тажрибаси бор. Маълум бўлишича, фермер балиқ озуқасининг қайси бири юқори ҳосилдорликка олиб келишини билиш учун дастлаб улча садокда тажриба ўтказди. Ҳар учаласидаги балиқларга турли хил таркибдаги озуқалардан беради. Тажриба 7 кун давом этади. Сўнгра балиқлар тарозига солинади. Табиийки, вазнларда тафовут бўлади ва қайси озуқа балиқларни тез семиртириши мумкинлиги аниқланади. Айтганимиздек, бу — фермернинг ўзига хос тажрибаси, ҳаётини лабораторияси.

Фермернинг фикрича, балиқни озик-

шамол туриб суви тўлқинлантириб юборса, балиқлар қочиб кетиши, сарфлаган маблағингиз, меҳнатингиз йўққа чиқиши мумкин. Бу тўсиқлар эса бунинг олдини олишга хизмат қилади.

Фермерни қийнаётган муаммо ва режалар

Балиқчилик ўз-ўзидан бўладиган иш эмас. Бунинг учун катта тажриба, изланиш ва албатта, соҳа бўйича зарур кўникама, билимга эга бўлиш керак. Зеро, балиқчиликни беилм ёки инновацияларсиз ривожлантириб бўлмайди.

Маматқул Саломовнинг тадқиқотларига таянган ҳолда айтганимиз бўлса, сазан балиғининг юрти — Венгрия давлати бўлиб, унинг 45 тури бор экан. Ўзбекистонда эса сазаннинг 7 хили етиштирилади.

— Сазаннинг шунча тури бўлса, унинг қайси зотини ўзимизга олиб келиб боқиш мумкинлиги ҳақида ўйлаб бошладим, — дейди фермер. — Балиқ наслчилиги, селекция ишлари билан ҳам шуғулланганим пайт келди, назаримда. Оддий мисол: зотдор сигирлар кўп сут берганидек, балиқнинг ҳам маҳсулдор ва гўшти ширин,

— Президентимиз томонидан имзоланаётган ҳужжатларнинг барчаси билан танишиб бораман, — дейди Маматқул Саломов. — 2018 йили 7 ноябрдаги балиқчиликни ривожлантириш бўйича қабул қилинган қарордаги имтиёзлар менга жуда маъқул тушиб, шу соҳа билан шуғулланиш истағи пайдо бўлди. Қолаверса, Яратган эгам инъом этган неъматлар кўп — қуёшли кунлар, табиий сув ҳавзалари, мўътатил иқлим, барча қулайлик мавжуд бўлган, давлатимиз томонидан тадбиркорлар ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаб турилган бир пайтда, бундай кенг имкониятлардан нима учун фойдаланмаслик керак?!

— Бунинг учун, аввало, чавоқни катта-лаштириб олгунча қўлда боқиш лозим. Мисол учун, минг тонна балиқ етиштириш учун 3-4 гектар ер майдони етарли. Бу борада маҳаллий ҳокимиятга мурожаат қилаямиз, агарда бизга мана шу масалани ҳал қилишга амалий ёрдам беришса,

ларда балиқ нархи сунъий ошиб кетишининг олдини олишга эътибор қаратиш ҳам долзарб масалалардан, — дейди М. Саломов. — Масалан, ҳар бир маҳсулотнинг улгуржи савдоси учун бозорлар мавжуд. Деҳқончасига айтганда, олиб-сотарлар биринчи қўлдан олиб, устига ўз



кўра, талабалар ҳўжалигимизда бўлиб, амалиёт ўташи белгиланган. Аммо таълим муассасаси раҳбарини, профессор-ўқитувчилари ҳам жим. Ахир набват билан 10 — 15 талаба келиб, балиқлар қуршовида жонли амалиёт ўтаса, нур устига аъло нур-ку. Қолаверса, профессорлар иштирокида республикаимизнинг барча ҳудудидан балиқчилик билан шуғулланаётган ва шуғулланиш истағида бўлганларни тақлиф қилиб, ҳўжалигимизда амалга оширилаётган ишларни кўрсатса, маърузалар ўқиб, савол-жавоблар қилса, балиқчилик сир-асрорларини жойида тушутирсак ҳам натижаси бошқача бўларди.

Фақат ўзини эмас, балки эл-юрт манфаатини, соҳа ривожини ўйлаган ҳар қандай одамнинг, хусусан, тадбиркор фермерларнинг ишида унум, оиласида файзу барака бўлади. Чунки бундай инсонлар фаолияти, истиқболли лойиҳалари, албатта, давлатимиз томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланишига ишонамиз.

Дарвоқе, яна бир янгилик. Кўп тармоқли фермер номига эришган отахон Маматқул Саломов пахта, галла, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари, чорвачилик, балиқчилик фаолияти билан бир қаторда, яқинда шинамига ресторан фаолиятини ҳам йўлга қўйди.

Пойтахтимизда жойлашган ушбу таом маркази бундэ этилиши сабаб ташландик ер обод маканга айланганлиги. Айни пайтда шу ернинг ўзидэ ташкил қилинган бешта махсус сунъий ҳовузчаларда фермер ҳўжалигида етиштирилаётган 5 турдаги тирик балиқлар олиб келиниб, аҳолига арзон нархларда сотилимоқда. Миқозларнинг талабига кўра, балиқлардан турли таомлар пишириб берилляпти. Бу ҳам яна бир қулайлик, албатта. Натижада 25 нафар ёш ишли бўлди. Бу хали ҳаммаси эмас. Фермернинг келгусида балиқчилик кластери ташкил қилиш нияти ҳам бор.

Етти хазинанинг бири бўлган балиқчиликни янада ривожлантириш учун мамлакатимизда сув ҳавзалари ресурслари ҳам, ишончли ва илмий асосланган лойиҳалар ҳам етарли. Биз улардан янада самарали фойдаланиш чораларини кўраётган инсонлардан бири — 83 ёшли фермер Маматқул ота Саломовнинг фаолияти ҳақида қисқача сўз юритдик. Ва амин бўлдики, унинг йигитларга хос ғайрат-шижоати, янгиликларга иштироки, яратувчанлиги, иш тажрибасини ёшларга ибрат қилиб кўрсатишга арзийди.

Мақолани ақунлаш чоғида ушбу нақл беихтиёр ҳаёлимиздан ўтди: “Одамларга балиқ эмас, қўлига қармоқ бериб, балиқ тутишни ўргатиш керак”. Бу иборанинг мағзини қақши, мушоҳада қилиш эса ҳар кимнинг ўзига ҳавола...

Раҳим ШЕРҚУЛОВ («Халқ сўзи»)



лантириш мақсадида сувга ем ташланганда у сувда чўкиб кетмаслиги керак. Қарангки, тиниб-тинчимас отахон бунинг ҳам йўлини топди. Хитойдан олиб келинган махсус технология бу борада қўл келди.

Фермер тажрибасига асосланиб айтадиган бўлса, балиқнинг семирishi ёки семирмаслиги яна бир қатор омилларга боғлиқ. Гап шундаки, сувга ташланган емнинг асосий қисмининг дастлаб балиқларнинг қучиллари еб қўяди. Ҳўш, бунинг учун нима қилиш керак?

Шундай йўл тутиш кераки, ҳамма балиқ овқат есин. Бунинг учун балиқларга берилиши керак бўлган озуқанинг ҳаммасини бирданига сувга ташлаш керак эмас. Аникроқ айтадиган бўлсак, овқатни 2-3 марта бўлиб-бўлиб бериш зарур. Шу йўл билан уларнинг ҳаммасини бир хилда тўйдирish мумкин бўлади.

Таъкидлаш кераки, бугунги кунда Маматқул ота ташкил этган балиқчилик ҳўжалигида иш уч сменада ташкил этилган. Ҳар бир сменада балиқларга фақат овқат бериш учун 18 одам ҳароҳатда бўлади. Ишчилар учун ҳамма шароит яратилган. Фермернинг шiori: иш яхши кетиши учун, биринчи навбатда, шароит яратиш керак.

— Яна бир нозик масала шундаки, — дейди Маматқул ота суҳбатимизни давом эттириб, — агар ҳарорат 28 — 30 даражадан ошиб кетса, балиқлар пастга шўнғийди ва натижада овқат емай бўлади. Бизда эса айрим пайтларда 40 даража иссиқ бўлиши табиий. Ҳар бир садок қурилмасининг устини махсус тўр билан беркилиш орқали ҳаво ҳароратини мўътатиб сақлаш мумкин. Бундан ташқари, бизнинг ҳавзалар атрофида 1 метру 30 сантиметрлик тўсиқлар қўйиб чиқилган. Бу нима учун десангиз, сабаби, баҳор ойларидэ кучли

касаликларга чидамли турини қидирдим. Хорижда битта ана шундай насли сазан она балиқ 500 доллар турар экан. Агар битта она балиқни олиб келиб уни кўпайтирсак, ҳар бир чавоқ келгусида 5-6 килограмм парҳез гўшт бериши мумкин.

Бу ерда яна бир масала, яъни балиқ учун озуқа-ем етиштириш керак бўлган озуқанинг турини қидирдим. Ҳисоблаб чиқсам, ҳозир бугдой нархи 2,5 минг сўм. Бир кило балиқнинг таннархи эса ўртача 25 мингга етади. Бунинг асосий қисми, яъни 70 — 75 фоизи озуқа-емига кетиб, маҳсулот нархи ошиб кетишига сабаб бўлади. Агар биз, фермерлар зарур озуқа маҳсулотларини экин майдонларимизда ўзимиз етиштирсак, қайта ишласак, балиқ нархи икки баробар арзонлашади.

Бу хали ҳаммаси эмас. Чавоқ, деган тушунча бор. Уни шундоқ олиб келиб сув ҳавзасига, яъни махсус қурилган садокка ташлангангиз, тўрдан чиқиб кетади. Боиси чавоқлар жуда кичкина бўлади. Қачонки чавоқ ҳажми 100 граммдан ошсагина, кейин қафасли қурилмага солиш мумкин. Бунинг учун нима қилиш керак?

— Балиқчиликка оид китобларни, тавсияларни кўп ўқидим, — дейди фермер. — Бошланишга ўнга 5х5 метрлик қафас (садок) қуриб, 2018 йили 50 тонна сазан балиғи етиштирдик. Ҳисоб-китоб қилиб қарасам, даромад ёмон эмас. Одамлар ҳам иш билан таъминланяпти. Сўнгра тармоқни янада кенгайтириш учун ўтган йили яна 5 миллиард сўм кредит олиб, қўшимча 25 та қафас қурдик ва 150 тонна балиқ етиштириб, аҳоли дастурхонига етказиб бердик. Жорий йилда олинган 8 миллиард сўм кредит эвазига жами қафас қурилмалар сонини 88 тага етказдик. Бу 18 минг куб метр сувда балиқ боқиш ва натижада 500 тонна балиқ етиштириш имконини беради. Мўлжалимиз ҳам шундай. Олинган кредитларнинг 10 миллиард сўминини қайтаришга ҳам улгурдик. Бунинг учун кечаю кундуз изланишда, ҳаракатда бўлиш, асосийси, ишни тўғри ташкил қилиш керак, деб ўйлайман.

балиқнинг таннархи янада пасаяди, — дейди фермер.

Яна бир муҳим масала, бу — етиштирилган маҳсулотларга харидор топиш, яъни бозорини топа билиш. Тайёр маҳсулотни сота билиш ҳам бизненинг асосий шартларидан.

— Аҳолининг балиқ маҳсулотларига бўлган талабини тўла таъминлаш, бозор-

фойдасини қўйиб иккинчи қўлга ўтказди. Иккинчиси учинчисига, хуллас, жараён шундай давом этаверади. Оқибатда маҳсулот оддий халққа етиб боргунча нархи ошиб кетади. Бунинг учун балиқларни тирик ва сифатли сақлаб туриш мақсадида барча бозорда, аҳоли гавжум жойларда алоҳида нукталарни ташкил қилиш лозим. Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган озик-овқат маҳсулотларининг кунлик истеъмол меъёрларига биноан инсон организмга соғлом ривожланиши учун йил давомида 8 — 10 килограмм балиқ маҳсулотни истеъмол қилиниши зарур. Демак, бу маҳсулотнинг инсон организмга фойдасини жуда катта бўлган витаминларга бойлигини инобатга олиб, болалар боғчалари, шифохоналар, санаторийларга ҳам етказиб бериш тизимини йўлга қўйиш жоиз. Уни сотувга, зарур ижтимоий объектларга етказиб бориш учун махсус идишларга солиб, кислород билан таъминлаш зарур. Шунда балиқ бир ойгача бемалол ашайди.

Фермернинг фикрича, балиқчиликни ривожлантиришда яна бир оғриқли жиҳат, мазкур соҳада катта ютуқларга эришган инсонлар тажрибасини оммалаштириш масаласи оқсаб турибди.

— Бир мисол. Икки йил муқаддам ҳўжалигимиз ва Тошкент давлат аграр университетининг балиқчиликка ихтисослаштирилган факультети ўртасида шартнома тузилган эди, — дейди М. Саломов. — Унга

Энг йирик шамол электр станцияларидан бири қурилади

“Mubadala” ва “Masdar” компаниялари билан ҳамкорликнинг тамал тоши мамлакатимиз Президентининг 2019 йил март ойида Бирлашган Араб Амирликларига ташрифи доирасида қўйилган, ўшанда электр станциялари қуриш бўйича шартномалар имзоланган эди.

Энергетика

“Mubadala” 200 миллиард долларлик инвестицион портфелга эга давлат ҳолдинги ҳисобланиб, “Masdar” унинг тизимида қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш соҳасида фаолият олиб боради.

Мазкур ҳамкорлик самараси ўлароқ, ўтган йилнинг октябр ойида давлат хусусий шериклиги асосида Навоий вилоятида 100 МВт қувватга эга қуёш электр станциясини қуриш бўйича тендер савдоларида “Masdar” ғолиб деб топилди, ушбу лойиҳани амалга ошириш юзасидан шартномалар имзоланган эди.

“Masdar” Навоийда яна бир йирик лойиҳани амалга оширади, яъни қуввати 500 МВт.га тенг бўлган дунёдаги энг йирик шамол электр станцияларидан бирини қуради.

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда БАА компанияси ўртасида имзоланган инвестиция битимига кўра, “Masdar” компанияси шамол электр станциясини лойиҳалаш, молиялаштириш, қуриш ва эксплуатация қилишни таъминлайди.

Шамол электр станцияси қурилиши ва келгусида ундан фойдаланиш мамлакатимиз иқтисодиётига 600 миллион АҚШ доллари билан ортиқ миқдорда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияни жалб қилиш, қурилиш жараёнида ва ундан кейинги ишлаб чиқаришда 1300 нафар кишининг бандлигини таъминлаши билан аҳамиятли.

Энг муҳими, шамол электр станцияси йилига 500 000 дан ортиқ уй ҳўжаликлари истеъмолига тенг бўлган 1,9 гВт/с мақбул ва арзон электр энергиясини ишлаб

чиқариш ҳисобига республикаимизда энергия мувозанати диверсификациясини таъминлайди.

Қайта тикланувчи энергия манбаларининг замонавий технологияларини жорий этиш ҳисобига электр энергиясини ишлаб чиқаришда ишлатиладиган табиий газ ҳажми йилига 175 миллион куб метргача, атмосферага карбонат ангидрид чиқариш эса йилига 1,1 миллион тоннагача камайитирилади.

Қурилиш ишлари жорий йилнинг ниҳоясига қадар бошланиши, 250 МВт.га тенг генерация қувватларининг биринчи навбати 2022 йилнинг ўрталарида, барча қувватлар эса 2023 йилда фойдаланишга топширилши режалаштирилган.

Темур ЭШБОВ («Халқ сўзи»)

Халқ сўзи
Народное слово

Муассислар:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 656. 44 487 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Гезетимиз ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Ўзловлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-6784

Bobcat «TOW Co., Ltd»
қўшма корхонаси махсус қурилиш техникаларини тақлиф қилади.

www.uztow.com

Маҳсулотлар сертификатланган.

«Universal Services of Central Asia»
хорижий корхонаси эҳтиёт қисмлар таъминоти ва сервис хизматларини кўрсатади.

Манзил: 100099, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Чинобод кўчаси, 87-уй. Тел.: 71-200-00-27 /28.

Тахрирхатга келган қўлаб-қўлаб тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтариб берилади.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаобгар.

Газета тахрирхат компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси маъсۇл. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуготчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — З. Худойшукуров.
Мусаҳҳих — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА яқини — 21.40 Топширилди — 23.30 1 2 3 4 5 6